(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЕТТБ: МИНТАҚАЛАРДА ҲАМ МИЖОЗЛАРИ БИСЁР

Ўтган даврда банкнинг мижозлари тобора кўпайиб борди. Банк учун, маълумки, у ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли барча ҳужжатлар расмийлаштирилиб, мижоз буюртмасидаги кредитни олгандан сўнг ҳам, икки томонлама алоқа узилмайди. Банк ходимлари мижозлар билан бир оила аъзоларидек яшашга, уларга ажратилган кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланишга амалий ёрдам беришаяпти. Хусусан, қисқа муддат ичида 177 нафар мижозга 188 миллион сўмдан ошиқ микрокредит ажратилган эди. Бу маблағдан эса улар расамади билан фойдаланмоқдалар.

Яқинда эса ЕТТБ мутахассислари Қўқон бўлимининг иш фаолияти билан танишиб чиқди. Натижа қувонарли. Гап шундаки, ЕТТБ кредитлари билан Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона шаҳарларидаги банкларда иш олиб борилаяпти. Агар шу банклар билан Қўқон бўлимининг иши солиштирилса, устунлик иккинчи томондалиги яққол кўзга ташланади. Мисол учун, ЕТТБ кредити бўйича фаолият кўрсатаётган "Пахтабанк"нинг Андижон бўлимида 1 мутахассис 20 миллион, Самарқанд бўлимида 37 миллион, Тошкент шаҳри бўлимида эса 58 миллион сўмлик хизмат кўрсатган бўлса, Қўқонда бу борадаги кўрсаткич 61 миллион сўмга етиб қолди.

Худди шундай бўлим ўтган йилнинг апрель ойида вилоят "Пахтабанк"ининг марказий банк жараёнлари бўлимида ҳам ташкил этилган эди. Унинг ходимлари ўтган ойларда 34 та мижозлар таклиф этган лойиҳа бўйича 86 миллион сўмдан кўпроқ микрокредит ажратишга ёрдам бердилар.

ЕТТБ кредит линияси ҳисобидан узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, "Пахтабанк"нинг Фарғона вилояти бошқармаси 4 та инвестицион лойиҳани тайёрлаб, уларни муваффақиятли рўёбга чиқарди.

Бундан ташқари, бугунги кунда вилоятда ўндан зиёд йирик тўқимачилик корхоналари фаолият кўрсатаяпти. Бу корхоналар яқин вақтларгача калава ўрайдиган конусларни четдан сотиб олар эди. ЕТТБ кўмаги туфайли эндиликда мазкур муаммо ҳам деярли ҳал этилди. Хусусан, "Пахтабанк"нинг Марғилон бўлими томонидан "Фер Кон-Текстайл" фирмасининг калава ўрайдиган конусларни ишлаб чиқариш бўйича 263 минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаси ЕТТБ мутахассисларига тақдим этилган эди. Мазкур лойиҳага 220 минг АҚШ долларилик кредит линияси очилди. Ана шу сармоя ҳисобига эса Жанубий Кореянинг "Хана Ресурсес" фирмасидан замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, асбоб-ускуналар олиб келинди. Улар қисқа вақт ичида монтаж қилиниб, зарур мутахассислар тайёрланди. Ҳозирги кунда ушбу корхонада маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, янги корхонанинг ишга туширилиши натижасида тўқимачилик тизимини бутловчи қисмлар билаш таъминлаш муаммоси ҳал этилибгина қолмай, балки ўндан зиёд иш ўринлари ҳам очилди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқаришида сунъий полиэтилен қоплардан фойдаланиш русумга кирмоқда. Аммо улар чет элдан, асосан Хитойдан келтирилаяпти. Шу боис "Пахтабанк"нинг Қўқон бўлими "Парнас" ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг сунъий қоп ишлаб чиқариш бўйича лойиҳасини қўллаб-қувватлади. ЕТТБ томонидан мазкур лойиҳа учун 309 минг доллар миқдорида кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобига Хитойнинг "Шижназхуанг" фирмасидан технологиялар, хомашёлар харид қилинди. Яқин кунларда ишга тушадиган мазкур корхона йилига 5 миллион дона сунъий қоп ишлаб чиқариш билан бирга, қўқонлик 50 нафарга яқин ёшларни доимий иш билан таъминлайди.

Водийдаги энг кекса корхоналардан бири – "Фарғонапиво"да чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарилиши ҳаммага аён. Лекин маҳсулотни қадоқлаш, чиройли қилиб мижозларга етказиб бериш муаммоси кўндаланг турарди. Ниҳоят, ЕТТБ сармояси ҳисобига ушбу масалани ҳам ҳал қилиш имконияти туғилди. Корхонани замонавий қайта ишлаб чиқариш қувватлари, қадоқлаш ускуналари билан таъминлаш учун банк томонидан 1 миллион 778 минг доллар миқдорида кредит ажратилиши ҳақида келишиб олинди. Технологик асбоб-ускуналарни эса Германиянинг пиво ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур "Мойтен Гетренкомашинен ГмБХ" фирмасидан олиб келиш кўзда тутилган. Айни кунларда мазкур лойиҳа ЕТТБ ҳамда мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб, аккретидив очиш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Янги корхонада 65 та иш ўрни ташкил этилади. Шу билан бирга, ҳар соатда 24 минг шиша, бир кунда эса 400 минг шишадан ортиқ пиво ва чанқовбосди ичимлиқлар замонавий талаблар асосида қаддоқланади.

Шунингдек, ЕТТБ ва вилоят "Пахтабанк"и ҳамкорлигида Қўқон шаҳрида кўзгу ва қорайтирилган ойна ишлаб чиқариш бўйича тақдим этилган лойиҳага 50 минг АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очиш мўлжалланаяпти. Асбоб-ускуналар эса Россиянинг "Ферри Витт" фирмасидан олиб келинади.

ЕТТБ кредит линияси ҳисобидан ажратилаётган маблағлар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Фарғона бўлими томонидан ҳам аниқ мақсадларга, замонавий технологиялар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд қилишга жалб этилмоқда. Жумладан, Қува туманидаги қандолатчилик корхонасида ҳозирга қадар асосан маҳаллий усулда маҳсулотлар тайёрланар эди. Миллий банк томонидан тақдим этилган лойиҳа бўйича ЕТТБ корхонага 1 миллион 699 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Шу маблағ ҳисобига Германиянинг "ВИФ системес" компаниясидан замонавий қандолатчилик дастгоҳлари сотиб олинди. Ҳозирги кунда соатига 550 килограмм, йилига 43 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. Янги қувватларнинг ишга туширилиши туфайли 40 дан зиёд қувалик ёшлар иш билан таъминланди. Қолаверса, республика ички бозорига импорт йўли билан келтирилаётган "Марс", "Снекирс" сингари шоколадларни Қувада тайёрлаш ўзлаштирилди. Қувончлиси, чет элда тайёрланаётган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлашадиган ширинликларнинг 82 фоизи маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқариляпти.

Миллий банк томонидан, шунингдек, тўқимачилик саноати корхоналарини замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга ҳам ЕТТБ маблағларини йўналтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, Бешариқ туманидаги "Бештекс" қўшма корхонасига ажратилган 6 миллион 614 минг долларлик, Фурқат туманидаги "Ишонч" ҳиссадорлик жамияти учун янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш учун берилган 5 миллион долларлик лойиҳалар молиялаштирилди. ЕТТБ томонидан ажратилган 90 миллион долларлик кредит линияси ҳисобига эса Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон стандартлари даражасига етди.

Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда мамлакатимизнинг энг олис вилоятлари шаҳар ва туманларида ҳам ЕТТБ мижозлари бисёрлигидан далолат беради. Ўтган даврда биргина Фарғона вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ЕТТБ кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилган 9 та лойиҳага 18,5 миллион доллар ажратиш ҳақида келишувга эришгани, ҳозиргача шу лойиҳаларнинг 7 тасига 15 миллион 454 минг доллар миқдорида сармоя берилгани фикримизга далил бўла олади. Айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан ва монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштиришга бевосита ЕТТБ томонидан ажратилаётган сармоялар юртимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



### Ғалаба матни тайёрланмоқда

***Коалиция кучлари яқин кунлар ичида Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар тугатилгани ва Саддам Ҳусайн режими устидан тўлиқ ғалаба қозонилгани ҳақида эълон қилишга тайёрланмоқда. Бу ҳақда Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер миллий телевидение орқали чиқишида маълум қилди.***

***Унинг айтишича, ҳарбий ҳаракатлар якуний босқичга ўтди ва айни пайтда Ироққа қарши урушдаги ғалаба тўғрисидаги расмий баёнотнинг матни тайёрланмоқда, деб хабар беради "РИА"Новости" агентлиги.***

### Назорат армия бўлинмаларига топширилди

***Америка денгиз пиёдалари Бағдодни тарк этишди, деб хабар беради "Би-би-си". Улар Ироқ пойтахтининг назоратини АҚШ армияси бўлинмаларига топширишди. Бўлинмалар бу ерда электр ва сув таъминоти тизимларини тиклаш ҳамда шаҳарда тартибни сақлашда иштирок этишади.***



***Айни пайтда Бағдодда хавфсизлик борасида муаммолар мавжуд, хусусан, кафандуздчилар ўғирланган қуролларни очиқча сотишга ҳаракат қилишмоқда.***

### Дунёга хавф солмоқда

***ЕИнинг ташқи алоқалар бўйича комиссари Крис Паттен Шимолий Корея "дунёга хавф солаётган"лиги ва Пхеньянни ядровий дастурдан воз кечишга кўндириш зарурлигини таъкидлади, деб хабар беради "Рейтер" мухбири.***

***Унинг қайд этишича, КХДРга ядровий тадқиқотлардан воз кечиши эвазига ёрдам ва ҳамкорлик таклиф қилиш керак.***

### Ғайриоддий зотилжам

***Хитойда ғайриоддий зотилжам касаллигига чалинган яна 11 киши аниқланди. Шундай қилиб, мамлакатда ушбу касалликдан азият чекаётганлар сони расмий маълумотларга кўра, 1819 кишини ташкил этмоқда, деб хабар беради "РИА"Новости" агентлиги.***



***Сингапурда эса ҳукумат буйруғига биноан озиқ-овқат бозори ёпилди. Бунга ўша ерда ишловчилардан уч нафарининг ушбу касалликка чалингани сабаб бўлди, деб хабар беради "Рейтер" агентлиги. Сингапурда ғайриоддий зотилжамга 117 киши мубтало бўлган, улардан 14 нафари ҳаётдан кўз юмди.***

### Қирғизистонда ер кўчди

***Қирғизистон жанубида кўчкилар натижасида ўттиздан зиёд киши ҳалок бўлди, деб хабар беради "Интерфакс" агентлиги.***



***Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг навбатчи қисмидан тарқатилган маълумотларга қараганда, якшанба кунининг иккинчи ярмида ҳажми бир ярим миллион тоннага яқин бўлган кўчки Ўш вилояти Ўзган туманидаги Қора-Тегит қишлоғига тушган. Натижада 11 та уй сел остида қолган. Тахминларга кўра, уларда 30 нафарга яқин киши бўлган.***

### Чекиш ман қилинади

***Молдова Адлия вазирлиги чекишга қарши қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб мамлакат парламентига юборди. Унда жамоат жойларида чекиш ман қилиниши кўзда тутилган. Ҳужжатда давлат ва хусусий корхона, ташкилот ва муассасаларда чекиш тақиқланиши ҳамда чекувчилар учун махсус жойлар яратилиши кўрсатилган.***

***Янги қонун лойиҳасида корхона ва ташкилот раҳбарлари қоидабузарларни мукофотдан маҳрум қилишлари мумкинлиги ҳам қайд этилган, деб хабар беради "Интерфакс" агентлиги.***

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 22 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 594,93 | 1 Исландия кронаси | 12,71 | 1000 Туркия лираси | 0,60 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1520,19 | 1 Канада доллари | 665,59 | 1 Швейцария франки | 700,92 |
| 1 Дания кронаси | 141,81 | 1 Хитой юани | 116,76 | 1 ЕВРО | 1052,44 |
| 1 БАА дирҳами | 263,12 | 1 Малайзия ринггити | 254,36 | 10 Жанубий Корея вони | 8,03 |
| 1 АҚШ доллари | 966,43 | 1 Польша злотийси | 247,30 | 10 Япония иенаси | 80,56 |
| 1 Миср фунти | 163,52 | 1 СДР | 1324,90 | 1 Россия рубли | 30,99 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 181,19 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

UZDUNROBITA
first cellular

3 GSM ХАРИТАСИДА ЯНГИ ВИЛОЯТ!

ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ
ГУЛИСТОН, ЖИЗЗАХ, ТЕРМИЗ,
ЖАРҚЎРҒОН, ДЕНОВ ШАҲАРЛАРИДА




"ПРЕСТИЖ" РЕЖАСИ 99 $
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ
+ SMS ва VMS
БЕПУЛ!

SMS
ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VFMS
ОВОЗЛИ ВА ФАКСИМИЛ ХАБАРЛАР ХИЗМАТИ

ТЕЗ КУНЛАРДА
Plus
ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ!

УЛАШ БЕПУЛ!

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар АҚШ долларида кўрсатилган ва ҳамма солиқларни ўз ичига олади),
2003 йил 1 февралдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови ($) | Кириш алоқаси баҳоси ($) | Чиқиш алоқаси баҳоси ($) | Кириш алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан ($) |
|---|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2.0 | 0.08 | 0.10 | Бепул |
| Престиж | 99.00 | Бепул | | |

Илова:
• Улаш вақтида PLUS SIM-картани қайта программалаштириш амалга оширилади, нархи - 20$
• «Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.
• "Уздунробита" компаниясининг узоқ ва яқин чет элдаги муштарийлари рақамига қўнғироқ қилиш учун +998 97 кодидан фойдаланилади.

Нечаю кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
"Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

